

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСАХАНОВА НИГОРА ХИКМАТОВНА

**РЕЦИДИВЛАНУВЧИ РЕСПИРАТОР КАСАЛЛИКЛАРИ БЎЛГАН
БОЛАЛАРДА Д ВИТАМИНИ РОЛИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of the Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Исаханова Нигора Хикматовна

Рецидивланувчи респиратор касалликлари

бўлган болаларда D витамини ролининг

клиник-патогенетик жиҳатлари..... 3

Исаханова Нигора Хикматовна

Клинико-патогенетические аспекты роли

витамина D у детей с рецидивирующими

респираторными заболеваниями..... 27

Isakhanova Nigora Hikmatovna

Clinical and pathogenetic aspects of the role

of vitamin D in children with recurrent

respiratory diseases.....,..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 56

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСАХАНОВА НИГОРА ХИКМАТОВНА

**РЕЦИДИВЛАНУВЧИ РЕСПИРАТОР КАСАЛЛИКЛАРИ БЎЛГАН
БОЛАЛАРДА Д ВИТАМИНИ РОЛИНИНГ КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК
ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.09 – Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tib472 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамансурова Эльмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алиев Ахмаджон Лутфуллаевич

тиббиёт фанлари доктори, доцент

Бобомуродов Турдикул Акрамович

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Республика ихтисослаштирилган педиатрия
илмий- амалий тиббиёт маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Д.И. Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда эпидемиологик таҳлиллар натижаларига кўра болалар орасида респиратор касалликлар билан касалланиш ҳолатлари тобора кўпайиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТТ) маълумотлари бўйича болаларда нафас олиш тизими касалликлари оқибатида ўлим кўрсаткичи 60% дан ортиқлиги аниқланган. Болалар орасида «...респиратор касалликлари кўпинча тарқалишининг юқорилиги ва оғир кечиши муаммосига бутун дунё жамоат саломатлигида глобал муаммо сифатида қаралади...»¹. Болаларда витамин D етишмаслиги ва танқислигининг кенг тарқалганлиги «XXI асрнинг яширин ноинфекцион-метаболик эпидемияси болалар саломатлигига тиббий-ижтимоий оқибатлар келтириб чиқариш ҳавфи юқорилиги билан боғлиқ бўлмоқда». Касалликнинг популяцияда учраш даражаси ортиб бораётганлиги, патогенетик механизмлари ва башоратлаш омиллари етарлича ўрганилмаганлиги, ушбу касаллик бўйича илмий изланишлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳонда барча мамлакатлар аҳолисининг деярли ярмида, гиповитаминоз D нинг яширин ҳолда кечиши, бошқа касалликларни ташхислаш вақтида аниқланиши, болалар орасида иммун танқисликка олиб келиши ҳамда касалликнинг тез-тез қаталаниши, даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада рецидивланувчи респиратор касалликлар билан касалланган беморларда клиник, микробиологик, иммунологик ва биокимёвий хусусиятларини ўрганиш етарли эмаслиги ва беморларнинг организмида касалликнинг ривожланиши, ташхислаш, дифференциал даволаш масалаларида D витаминнинг патогенетик аҳамиятини аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетиббӣетни жорий этиш ва ривожлантириш...»² га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларнинг ижросини таъминлашда болалар орасида респиратор касалликлар тарқалишининг олдини олиш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш, замонавий технологияларни қўллаш, даволаш ва профилактиканинг самарадор усулларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

¹ https://gateway.euro.who.int/ru/indicators/enhis_22-post-neonatal-infant-death-rates-due-to-respiratory-diseases/#id=21334

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасиникомплекси ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш тўғрисида»ги ПФ-6221-сон, 2022 йил 29 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонлари, 2021 йил 28 июлдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5199-сон, 2022 йил 25 апрелдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ватиббий хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-215-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё аҳолисининг ҳар учдан бир қисмида респиратор касалликлар учраб, барча инфекцион касалликларнинг 90%ини ташкил этади. D витамин етишмовчилиги ёки танқислигининг мавжудлиги ўткир респиратор касалликлар билан касалланишга мойил бўлган омил сифатида қараладими деган саволга ҳозирги вақтда жавоб мавжуд эмас (Martineau A.R., 2017). Бир қатор тадқиқотлар шуни кўрсатадики болалар ва катталарда, айниқса қарияларда D витамин даражаси ўткир респиратор касалликларнинг олдини олиш мақсадида фойдаланиш мумкинлиги аниқланган (Kühn J., Trotz P., Stangl G.I., 2018). Ўткир респиратор касалликларнинг олдини олиш учун D витамин препаратларининг қабул қилиш миқдори ва тартиби аниқланмаган (Esposito S., Lelii M., 2015). Йирик мета-анализ текширувлар натижасига кўра 30000 ХБ болус дозасидаги тўйинтирилган D витамин препаратлари қабул қилишдан фарқли ўлароқ мунтазам равишда кундалик ёки ҳафталик истеъмол қилиш (800 дан 2000 ХБ) ўткир респиратор касалликлар билан касалланиш хавфини камайтирганлиги қайд этилган (Loeb M., Dang A.D., Thiem V.D., et al. 2019).

МДХ давлатлари олимларининг маълумотлариига кўра, ҳозирги кунда дунёда нафас тизими касалликлари билан кечадиган касалликларнинг эпидемиологик ва клиник-функционал, биокимёвий, иммунологик хусусиятларини баҳолаш асосида касалликларни камайтириш бўйича ташхислаш ва олдини олиш тадбирларини оптималлаштириш, шунингдек ногиронликни камайтириш ва болалар ҳаёт сифатини яхшилаш бўйича устувор тадқиқотлар олиб борилмоқда (Захарова И.Н., 2018; Мещеряков В.В., 2018; Мизерницкий Ю.Л., 2019). Дунёда болалар ўртасида рецидивланувчи респиратор касалликлар билан кечадиган нафас тизими

касалликларини ўрганиш ва шу касалликлар билан касалланган беморларни бошқариш бўйича дифференциал дастурларни ишлаб чиқиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Соловьева Н.А.,2016; Баранова А.А.2017). Кенг қамровда олиб борилган илмий тадқиқотлар натижаларидан маълумки, ўсувчи организмда D витамин танқислиги кўплаб касалликларни ҳавф омилларига киради. D витамин рецепторлари организмнинг 40 дан ортиқ мўлжал-тўқималарида аниқланилиши унинг анчагина биологик вазифаларга эгаллигини ифодалайди. D витамин организмда кальций ва фосфор элементлари орқали микро ва макроэлементлар метаболизмида етакчи ўрин тутди. Шунингдек организмнинг иммун тизимига, хужайраларнинг кўпайиши, онтогенезда такомиллашиб бориши ҳамда апоптоз жараёнларида ҳам аҳамиятга эгаллиги исботланган (Древаль А.В., Крюкова И.В., 2017).

Мамлакатимизда болалар орасида рецидивланувчи респиратор касалликлар муаммоси, айниқса уларнинг D витамини танқислиги ёки етишмовчилиги фонида кечиши етарлича ёритилмаган ҳамда долзарб бўлиб қолмоқда. Республикаимизда нафас аъзолари ўткир касалликлари билан оғриган болалар ва уларда организмнинг D витамини билан таъминланишини аниқлаш бўйича қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилган, D витаминнинг болалар учун регионал профилактик ва касалликлар (танқислик ва етишмовчилик) фонидаги даволаш миқдорлари ишлаб чиқилган (Аҳмедова Д. И., Камилова А. Т., Шамсиева Ф. М. ва бошқ., 2019).

Шуни таъкидлаш жоизки, бугунги кунга қадар болаларда рецидивланувчи респиратор касалликларнинг учраш даражасининг чуқур таҳлили, шунингдек, D витаминнинг аҳамияти ва нафас олиш тизими инфекциялари бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган, бу, шубҳасиз, асоратларни олдини олишга ёрдам беради. Клиник-функционал, лаборатор, рецидив кўрсаткичларни ўз вақтида ташхислаш ва патогенетик асосланган коррекция касалликнинг қайталаниш даражасини камайтириш, зўрайиш даври жадаллигини камайтириш ҳамда ремиссия даврини узайтиришга ёрдам беради, бу эса ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг №01980006703-сон «Болаларда туғма ва орттирилган касалликларнинг диагностикаси, давоси ва профилактикаси усуллари такомиллаштириш» (2019-2022 йиллар) илмий-тадқиқот ишлари мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда рецидивланувчи респиратор касалликларида D витаминининг аҳамиятини ўрганиш ва асосланган даволаш кўрсатмаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болалар орасида D витамини даражасини рецидивланувчи респиратор касалликларининг тез-тез учрашига олиб келувчи хавф омили сифатида баҳолаш;

рецидивланувчи респиратор касалликлари бўлган болаларда D витамини билан таъминланиш даражасига таъсир этувчи сабабларни аниқлаш;

респиратор касалликлари аниқланган болаларга комплекс даволаш таркибида D витаминини қўллаш самарадорлигини баҳолаш;

рецидивланувчи респиратор касалликлари билан касалланган болаларда касаллик қайталанишлар сонига D витамини даражаси таъсирини баҳолаш;

рецидивланувчи респиратор касалликлари бўлган болаларни комплекс даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси, Тошкент шаҳар 7- сон оилавий поликлиникасида 2018-2022 йилларда даволанган 168 нафар бемор ва 64 нафар соматик соғлом болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида биокимёвий текширувлар учун беморларнинг периферик қон ва қон зардоби материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий (қон зардобидаги D витамини, кальций, фосфор, магний), иммунофермент (паратгармон), бактериологик, инструментал (УТТ, рентген, спирография) текшириш усуллари ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

болалар орасида рецидивланувчи респиратор касалликларнинг учраши ва кечишида қон зардобида D витамин танқислиги ва етишмовчилиги (D витамин миқдори 30 нг/млдан кам) кузатилган беморларда касалликнинг ҳар бир қайталанишида клиник кечиш оғирлашганлиги ва авж олиши патогенетик занжирнинг фаол бўғинида D витаминининг аҳамияти исботланган;

рецидивланувчи респиратор касалликлари бор болаларда қон зардобидаги микроэлементлар Ca⁺, P⁺, Mg⁺ миқдор кўрсаткичларини пасайганлиги ((Ca⁺-p < 0,05), (P⁺-p < 0,05), (Mg⁺-p < 0,01)), унинг натижасида паратиреоид гормон миқдори ошганлиги (p < 0,01) ҳамда D витамин танқислиги ва етишмовчилигига асосий сабаблардан эканлиги исботланган;

болалар орасида “тез-тез касалланувчи болалар” гуруҳига мансуб рецидивланувчи респиратор касалликлари бўлган беморларда D витамин танқислиги (<20 нг/мл) ёки етишмовчилик (20–30 нг/мл) даражасининг касалликнинг қайталанишлар сонининг ортиши, даволанишдан кейин эса бир йил мобайнидаги қўзишлар сони юқори нафас йўллари рецидивланувчи касалликларда 50,7% (p < 0,001) гача, пастки нафас йўллари рецидивланувчи касалликларида эса 49,8% (p < 0,001) камайганлиги қайд этилган;

болаларда рецидивланувчи респиратор касалликларни комплекс даволаш алгоритмини қўлланилишида ва D витамин миқдорининг коррекция қилиниши натижасида болаларда касалланишлар сонини камайиши, ремиссия даврининг узоклашиши, клиник кечишининг тобора энгиллашувига (75,8% гача) ва касаллик оқибатида ривожланадиган асоратларни (39% гача) камайишига эришилиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болалар орасида “тез-тез касалланувчи болалар” гуруҳига мансуб беморларда даволаш ва профилактика усулларида D витаминини киритиш касалланишлар сонини камайишига, ремиссия даврини узоклашишига, клиник кечишини энгиллашувига олиб келиши асосланган;

касалликнинг клиник кечиши, касалликнинг қайталанишлари сонини камайтирувчи, ремиссия даврининг узайишига эришиш имконини берувчи ҳамда касалликнинг салбий оқибатларини бартараф этишга ижобий таъсир кўрсатувчи витамин D танқислиги ҳолатини коррекциялаш асосида рецидивланувчи респиратор касалликларни даволашнинг дифференциал усуллари асосланган;

тиббиёт муассасаларида амалий фойдаланиш учун рецидивланувчи респиратор касалликлар бўлган болаларда даволашни олиб боришда D витамин миқдорини коррекцияловчи ва таркибида микроэлементлар сақловчи дори воситаларини ўз ичига олган комплекс даволаш алгоритми ишлаб чиқилиши асосланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланган, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти болаларда рецидивланувчи респиратор касалликларда организмда D витамини билан таъминланиш даражасининг камайганлиги касалланишлар сонини ортиши, клиник кечишини оғирлашиши, авж олиш даврининг кучайишига таъсир этиши, респиратор касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш усуллари такомиллаштирилганлиги, қайталаниш даражасини камайтирувчи диагностик мезонларнинг қўлланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти даволаш комплекси таркибида D витамин ҳамда таркибида микроэлементлар сақловчи дори воситаларидан фойдаланиб, рецидивланувчи респиратор касалликлар билан оғриган беморларга дифференциал даволаш схемаси ишлаб чиқилганлиги, беморларга дифференциал даволаш комплексига холекальциферол, микроэлементлар комплексини киритилиши касалликнинг клиник кечиши

даражаси ва функционал кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатганлиги, касалликнинг қайталаниш даражасини камайтириш орқали узоқ муддатли ремиссияга эришиш имконини яратганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2024 йил 6 мартдаги 03/188-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2022 йил 14 февральдаги 03/299-сон хати юборилган):

биринчи илмий янгилик: болалар орасида рецидивланувчи респиратор касалликларнинг учраши ва кечишида қон зардобиди D витамин танқислиги ва етишмовчилиги (D витамин миқдори 30 нг/млдан кам) кузатилган беморларда касалликнинг ҳар бир қайталанишида клиник кечуви оғирлашганлиги ва авж олиши патогенетик занжири фаол бўғинида D витаминнинг аҳамияти исботланган, мос равишда D витамин танқислиги ва етишмовчилик аниқланганлиги Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 25.03.2022 йил №55/1-сон ва Тошкент шаҳар 1-сон кўп тармоқли болалар клиник шифохонасининг 23.06.2023 йил №80-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қўйидагилардан иборат: D витамин миқдорининг референт қийматда бўлиши рецидивланувчи респиратор касалликлар билан касалланишнинг клиник кечуви ва авж олиш даврини камайтиради, болалар ҳаёт сифатини яхшилайдди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қўйидагилардан иборат: узоқ муддатларда 40 нафар болалардан қон биокимёвий таҳлилида D витамин миқдорини таҳлил қилинганда, 25 нафарида танқислик ва етишмовчилик аниқланган. Ҳар бир беморга стационар даволаниши учун сарф қилинадиган бир кунлик харажати 260 000 сўмни ташкил қилиб, 40 нафар беморга 10 400 000 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** болаларда рецидивланувчи респиратор касалликларида D витамин миқдорини эрта ташҳислаш болаларда рецидивланувчи респиратор касалликлари билан касаланиши ва стационар даволаниш учун бюджет маблағларини 1 нафар бемор ҳисобига 260 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: рецидивланувчи респиратор касалликлари бор болаларда қон зардобидидаги микроэлементлар Ca⁺, P⁺, Mg⁺ миқдор кўрсаткичларини пасайганлиги ((Ca⁺ - p < 0,05), (P⁺ -p < 0,05), (Mg⁺ - p<0,01)), унинг натижасида паратиреоид гормон миқдори ошганлиги (p < 0,01) ҳамда D витамин танқислиги ва етишмовчилигига асосий сабаблардан эканлиги Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 25.03.2022 йил №55/1-сон ва Тошкент шаҳар 1-сон кўп тармоқли болалар клиник шифохонасининг 23.06.2023 йил №80-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қўйидагилардан иборат: қон зардобидидаги микроэлементлар Ca⁺, P⁺, Mg⁺ миқдор кўрсаткичларини пасайганлиги ((Ca⁺ - p < 0,05), (P⁺ - p < 0,05), (Mg⁺ - p<0,01)), унинг натижасида паратиреоид гормон миқдори ошганлиги (p<

0,01) ҳамда D витамин миқдор кўрсаткичларининг муҳимлиги рецидивланувчи респиратор касалликлар билан касалланишлар диагностикасининг сифатини яхшилайти. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: қон зардобадаги микроэлементлар Ca⁺, P⁺, Mg⁺ миқдор кўрсаткичларини пасайганлиги ((Ca⁺ - p < 0,05), (P⁺ - p < 0,05), (Mg⁺ - p < 0,01)), унинг натижасида паратиреоид гормон миқдори ошганлиги (p < 0,01) ҳамда D витамин миқдор кўрсаткичларининг аниқланиши рецидивланувчи респиратор касалликлар билан касалланишлар диагностика сифатини оширган, 40 нафар болалардан қон биокимёвий таҳлилида D витамин миқдорини таҳлил қилиганда 25 тасида танқислик ва етишмовчилик аниқланган. Ҳар бир беморга стационар даволаниши учун сарф қилинадиган бир кунлик харажати 260 000 сўмни ташкил қилиб, 40 нафар беморга 10 400 000 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** болаларда рецидивланувчи респиратор касалликларида қон зардобадаги Ca⁺, P⁺, Mg⁺, паратериод гормон кўрсаткичларини эрта аниқлаш бу эса D витамин референт қийматда бўлишига ва болаларда рецидивланувчи респиратор касалликлари билан касалланиши ва стационар даволаниш учун бюджет маблағларини 1 нафар бемор ҳисобига 260 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: болалар орасида “тез-тез касалланувчи болалар” гуруҳига мансуб рецидивланувчи респиратор касалликлари бўлган беморларда D витамин танқислиги ёки етишмовчилик ҳолатида касалликнинг қайталанишлар сонининг ортиши, даволанишдан кейин эса бир йил мобайнидаги қайталанишлар сони сезиларли камайишига эришилган натижалар Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 25.03.2022 йил №55/1-сон ва Тошкент шаҳар 1-сон кўп тармоқли болалар клиник шифохонасининг 23.06.2023 йил №80-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: рецидивланувчи респиратор касалликлари бўлган беморларда D витамин референт қийматининг касалликнинг қайталанишлар сонини камайтиради ва бу эса болалар ҳаёт сифатини яхшилайти. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қуйидагилардан иборат: болалар орасида “тез-тез касалланувчи болалар” гуруҳига мансуб рецидивланувчи респиратор касалликлари бўлган беморларда D витамин танқислиги (<20 нг/мл) ёки етишмовчилик (20–30 нг/мл) даражасининг касалликнинг қайталанишлар сонини ортишига, даволашдан кейин эса бир йил мобайнидаги кўзишлар сони юқори нафас йўллари рецидивланувчи касалликларда 50,7% (p < 0,001) гача, пастки нафас йўллари рецидивланувчи касалликларида эса 49,8% (p < 0,001) камайгантириш имконини берган, 40 нафар болалардан қон биокимёвий таҳлилида миқдорини таҳлил қилинганда 25 тасида танқислик ва етишмовчилик аниқланган. Касалликнинг қайталанишлари сони 2.5 баробар камайганлигини ҳисобга олсак, ҳар бир беморга стационар даволаниши учун сарф қилинадиган бир кунлик харажати 260 000 сўмни ташкил қилган,

20 нафар беморга 5 200 000 сўм иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** болаларда рецидивланувчи респиратор касалликларида билан касалланишлар сони камайиши, бу эса D витамин референт қийматда бўлишига стационар даволаниш учун бюджет маблағларини 1 нафар бемор ҳисобига 260 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: болаларда рецидивланувчи респиратор касалликларни комплекс даволаш алгоритмини қўлланилишида ва D витамин миқдорининг коррекция қилиниши натижасида болаларда касалланишлар сонини камайиши, ремиссия даврининг узоклашиши, клиник кечишининг тобора енгиллашуви ва касаллик оқибатида ривожланадиган асоратларни камайишига эришилиши Сирдарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг 25.03.2022 йил №55/1-сон ва Тошкент шаҳар 1-сон кўп тармоқли болалар клиник шифохонасининг 23.06.2023 йил №80-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги** қўйидагилардан иборат: рецидивланувчи респиратор касалликлари бўлган беморларда даволаш алгоритми қўлланилганда касаллик асоратларини камайтиради, амбулатор шароитда D витамин референт қийматининг максимал тикланиши касалликнинг қайталанишлар сонини камайтиради ва бу эрта ташҳислаш ва профилактика самарадорлигини оширади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги** қўйидагилардан иборат: ишлаб чиқилган даволаш алгоритми амбулатория шароитида балалар рецидивланувчи респиратор касалликларида D витамини миқдорига қараб коррекция чораларини самарадорлигини оширишини кўрсатган ва касалланишлар сонини 2,5 баробарга камайтирган. Касалликнинг қайталанишлари сони 2.5 баробарга камайганлигини ҳисобга олсак, ҳар бир беморга стационар даволаниши учун сарф қилинадиган бир кунлик харажати 260 000 сўмни ташкил қилган, 20 нафар беморга 5 200 000 сўм иқтисод қилишга эришилган. **Хулоса:** болаларда рецидивланувчи респиратор касалликларида билан касалланишлар сони камайиши бу эса D витамин референт қийматда бўлишига стационар даволаниш учун бюджет маблағларини 1 нафар бемор ҳисобига 260 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 та республика ва 2 та хорижий журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Рецидивланувчи респиратор касалликлари ривожланишига замонавий қарашлар ва уларда D витамини ролининг клиник-патогенетик жиҳатлари (адабиётлар таҳлили)»** деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо бўйича масаланинг ҳолати ҳақидаги долзарблиги таҳлил қилинган адабиётлар шарҳи берилган. Ҳозирги даврдаги болаларда рецидивланувчи респиратор касалликлари ва D витаминининг организмда тутган ўрни, аъзо ва тўқималарнинг ривожланишидаги аҳамияти кенг ёритиб берилган.

Диссертациянинг **«Болаларда рецидивланувчи респиратор касалликларида D витамин роли бўйича тадқиқотнинг материаллари ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида рецидивланувчи респиратор касалликлари бор болаларда касаллик даражасини субъектив баҳолаш амалга оширилганлигини кўрсатувчи 168 нафар болада ўтказилган касалликнинг клиник таҳлилига асосланган тадқиқот лойиҳаси келтирилган. Тадқиқотга ТошПТИ клиникасида стационар даволанишда бўлган, ва Тошкент шаҳридаги 7- оилавий поликлиникасида кузатувда бўлган 1 ёшдан 18 ёшгача бўлган, 168 нафар РРК бор болаларда клиник гуруҳлар танлови амалга оширилган. Патологик жараённинг оғирлиги ва организмнинг функционал ҳолатини баҳолаш мақсадида умумклиник, инструментал, биокимёвий, иммунофермент, бактериологик, статистик тадқиқот ва таҳлил усулларидан фойдаланилган. Тадқиқот ТошПТИ «Оилавий шифокорлик №1, ЖТ, ФМ» кафедрасида бажарилган.

Ўрганилган беморлар умумий сони (n-168) нинг 81 нафарини (48,3%) қиз болалар, 87 нафарини (51,7%) ўғил болалар ташкил этган. Тадқиқот беморнинг шифохона ва оилавий поликлиникада қабул қилинган вақтдаги клиник кўрсаткичларига асосланган ҳолда ўтказилган.

Тадқиқот учун олинган беморларни 59 нафари (35.1%) эрта ёшдаги болалар, 42 нафари (25%) 4 дан 7 ёшгача мактабгача болалик давридаги болалар, 27 нафари (16.1%) кичик мактаб ёшига тўғри келса, 11-18 ёшгача бўлган ўсмирлар 40 нафари (23.8%) ни ташкил этган.

Касалликнинг клиник тавсифлашда Халқаро касалликлар классификациясининг (КХТ-10) X қайта кўриниши ва “Болаларда бронх-ўпка касалликларининг клиник шакллари таснифи”дан фойдаланилган.

Текширилган беморлар касалликнинг локализациясига қараб, йирик икки гуруҳга ажратилган.

1 гуруҳни юқори нафас йўллари касалликлари билан оғриган 112 нафар (48.2%) бемор бола киритилди, шундан ўткир ринит -16 нафар, ўткир риносинусит-24 нафар, ўткир тонзилит ва фарингит- 40 нафар, ўткир ларингит ва трахеит- 32 нафар болани ташкил этган;

2 гуруҳга пастки нафас йўллари касалликлари билан оғриган 56 нафар (24.1%) бемор бола киритилди, шундан ўткир оддий ва обструктив бронхит-38 нафар, ўткир пневмониялар-18 нафарни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларини солиштирма баҳолаш учун популяцион ўхшашлик ва аналогик ёш ва жинсдаги 64 нафар шартли соғлом болалардан иборат назорат гуруҳи шакллантирилган.

Текширилган беморларнинг ёши, жинси ҳамда касалликни ташхислаш назологияси бўйича тақсимланганини қўйидаги жадвалда келтирилган (1-жадвал).

1 – жадвал.

Текширилган беморларнинг ёши, жинси ҳамда касалликни ташхислаш назологияси бўйича тақсимланганини

№	Болалик даврлари	Жинси				1 гуруҳ Юқори нафас йўллари касаликлари	2 гуруҳ Пастки нафас йўллари касаликлари	3 гуруҳ Назорат гуруҳи
		Ўғил		Қиз				
		abs	%	abs	%			
1	Эрта болалик даври 1-3 ёш	32	36	27	33	36	23	16
2	Мактабгача болалик даври 4-7 ёшгача	23	26	19	23	33	9	16
3	Кичик мактаб ёши 7-11 ёшгача	14	16	13	16	19	8	16
4	Ўсмирлик даври 11-18 ёш	18	21	22	27	24	16	16
	Жами	87	51,7	81	48,3	112	56	64

Рецидивланувчи респиратор касалликлар билан касалланган болалар йилига касалланиш сони бўйича А.А.Баранов, В.Ю.Альбицкий томонидан тез-тез касалланувчи болаларнинг касалланиш частотаси таснифи асосида таснифланди: Унга кўра 1-ёшгача 4 ва ундан ортиқ, 1-3 ёшда 6 ва ундан ортиқ, 4-5 ёшда 5 ва ундан ортиқ, 5 ёшдан катта болаларда 4 ва ундан ортиқ ўРКлар билан касалланиши бўйича таснифланди.

Барча беморларда умум эътироф этилган умумий қон таҳлили-бемор бармоғидан олинган қон; умумий сийдик таҳлили-бемор пешоби; умумий нажас таҳлили-бемор нажаси; махсус лаборатория текширишлар ҳам ўтказилди: Биокимёвий ва иммунофермент таҳлиллар (қон зардобиди D

витами́н, кальций, фосфор, магний, паратериод гормон) миқдори аниқлаш учун -бемор болалар қони олинган.

Бундан ташқари биоматериал сифатида реал амалиётда бурун-ҳалқумдан олинган суртмадан фойдаланилди.

Барча лаборатория текширувлар Alliance medical clinic хусусий клиникаси лабораториясида ўтказилган.

Тадқиқот материалларини статистик қайта ишлаш Microsoft Excel 2019 автоматлаштирилган дастурий таъминот пакетларида ўртача арифметик қиймат (M), ўртача стандарт хатолик (m), ўртача квадрат оғиш (Б), нисбий катталиклар (учраш %), Стъудент мезони (t)ни ҳисобланди. Ўртача катталикларнинг солиштирма тафовутлари $P < 0,05$ бўлганда аҳамиятлилик даражасида ишонарли деб ҳисобланган.

Илмий тадқиқотда олинган рақамли натижалар “Статистика-10” дастури ёрдамида статистик қайта ишланди. Статистик таҳлил маълумотлари кореляцион моделлаштирилди, барча жадвал маълумотлари ўзоро математик таҳлилдан ўтказилди. Олинган маълумотларни кўргазмалилигини ошириш мақсадида гистограммалар ёрдамида график таҳлиллар ўтказилди. фойдаланилган.


Диссертациянинг «**Рецидивланувчи респиратор касалликларда болаларнинг солиштирма клиник-анамнестик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида рецидивланувчи респиратор касалликларида болаларнинг клиник-анамнестик хусусиятлари ҳақида маълумотлар таҳлили ёритилган. Беморларни жинси, юқори ва пастки нафас йўллари касалликлари структурасига кўра тақсимланиши акс эттирилган. Шунингдек, 1ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларда рецидивланувчи респиратор касалликларининг клиник кечуви, оғирлик даражаси, нафас етишмовчилик даражаси, ёндош касалликлари, патоген микрофлоранинг учраш хусусиятлари, таянч ҳаракат тизими, спирография хусусиятлари, кўрикда олинган текшириш натижалари тақдим этилган.

Рецидивланувчи респиратор касалликлар кузатилган беморларнинг аксариятида (112 (67%)) асосий касаллик юқори нафас йўлларида, 33% ҳолларда эса пастки нафас йўллари патологиялари асос бўлган. Беморларнинг ўртача ёши ўткир ринит билан боғлиқ ҳолларда энг ёш контингентни ташкил этса ($3,14 \pm 0,75$), ўткир зотилжамнинг учраш ёши ўртача ($9,67 \pm 1,15$) дан иборат бўлди. Рецидивланувчи респиратор касаллиги бўлган бемор болаларнинг ёшга хос солиштирма таҳлили(2-жадвал)да келтирилган.

Текширилган беморлар контингентида ўғил болалар сони (51,7%) қиз болалардан (48,3%) кўп бўлсада, статистик жиҳатдан аҳамиятли эмаслиги 1-расмда келтирилган.


Рецидивланувчи респиратор касаллиги бўлган беморларнинг ёшга хос солиштирма тавсифи

№	Касалликнинг жойлашуви	ёш (M ± m)
1.	Юқори нафас йўллари касалликлари (n = 112)	3,64 ± 0,54
2.	Пастки нафас йўллари касалликлари (n = 56)	4,12 ± 0,65
№	Касаллик тури	
1.	Ўткир ринит (n = 16)	3,14 ± 0,75
2.	Ўткир риносинусит (n = 24)	5,17 ± 0,68
3.	Ўткир тонзилофарингит (n = 40)	8,16 ± 0,67
4.	Ўткир ларингит (n = 32)	4,0 ± 1,12
5.	Ўткир бронхит (обструктив ва оддий) (n = 38)	4,64 ± 1,17
6.	Ўткир зотилжам (n = 18)	9,67 ± 1,15



1-расм. Беморларнинг касаллик назологияси бўйича жинсига кўра тақсимланиши

Касалликнинг клиник кечиши бўйича иккала гуруҳдаги барча назологик шаклларда клиник белгилари бўйича ПНЙҚКларида йўтал, периферик лимфа тугунларини катталашини, ҳаш, гипертермия белгилари ЮНЙҚК ларига нисбатан кўп бўлган.



2-расм. Касалликнинг клиник белгиларини учраш частотаси



3-расм. Бемор болаларнинг 1 йилда рецидивланувчи респиратор касалликлари билан касалланишлар сони

Шундай қилиб, иккала гуруҳдаги барча назологик шаклларда касалликнинг кўзиш оғирлиги сезиларли фарқ қилди, лекин статистик жиҳатдан ахамиятли бўлмади. Юқори нафас йўлларида сурункали яллиғланиш ўчоқлари аниқланган тез-тез касалланувчи болаларда бир йилда 6 маротаба касалланиш устун бўлса (51,7%), пастки нафас йўллари касалликлари билан касалланиш эса 4 маротаба (48,2) устунлик қилди. Юқори нафас йўлларида сурункали яллиғланиш ўчоқлари аниқланган тез-тез касалланувчи болаларда касалликни ҳар бир рецидивланиш даврида яллиғланиш белгилари кучайиб, беморлар ахволи оғирлиги ва ташқаридан тушаётган бактериал ва вирусли инфекцияларга реактивлиги пасайишини кузатилиши, касаллик кўзишини асосий этиологик омилли деб ҳисобланди.

Олинган натижаларимизга кўра юқори нафас йўллари касалликлари фониди рецидивланувчи ҳолатлар болаликнинг иккинчи даврида скелет тузилмаларида деформациялар, даволаш воситалари таъсирида ошқозон, ошқозон ости беши ва жигарда турли асоратлар келиб чиқиши билан асосланган. Олинган натижалар статистик таҳлилида гуруҳлараро фарқлар ишонарли бўлди. Юз ва бўйин соҳаси деформациялари 10 ёшдан катта болаларда сезиларли бўлиши нафас олишни оптималлаштириш мақсадида бемор томонидан амалга ошириладиган реффлектор статик ҳлат натижаси деб қараш мумкин. Ошқозон ичак тракти аъзолари билан боғлиқ муаммолар касалликнинг кўзиш даврида даволашда қўлланиладиган яллиғланишга қарши ва антибактериал дори воситаларининг ноҳўя таъсирлари, шунингдек ТХТда деформацияларнинг патогенезида рахитик ҳолат ва микроэлементлар таъсири натижасида вужудга келганлиги аниқланди(3-жадвал).

Ушбу бобда келтирилган тадқиқотлар натижаларини сарҳисоб қилсак, рецидивланувчи респиратор касалликлари кузатилган болаларда касалликнинг локализацияси, касалланишлар сони ва оғирлик даражаси, болаларнинг ёши ва жинси, нафас аъзоларининг функционал ҳолати, ёндош касалликлари бемор болалар организмида минераллар алмашинувининг ҳолати ва нафас йўлларида аниқланган патоген микрофлоралар тавсифи

касалликни даволаш тактикасини тўғри танлашга ва беморларда ремиссия даврине асосли чўзиш имконини беради.

3-жадвал.


РРКларда қўшимча патологик ҳолатларнинг учраш ҳолати

Қўшимча касалликлар нозологияси	Юқори нафас йўллари касалликлари (n=112)	Пастки нафас йўллари касалликлари (n=56)
Аденоидит (n=14)	13 (11.6%)	1 (1.7%)
Ошқозон касалликлари (n=19)	6 (5.3%)	13 (23.2%)
Ошқозон ости беши касалликлари (n=12)	5 (4.46%)	7 (12.5%)
Жигар касалликлари (n=24)	4 (3.57%)	15 (26.7%)
Неврологик касалликлар (n=26)	15 (13.4%)	11 (19.6%)
Қалқонсимон без касалликлари (n=1)	10 (8.92%)	11 (19.6%)
Жисмоний ривожланишдан ортда қолиши (n=18)	5 (4.46%)	13 (22.2%)
Жинсий ривожланишдан ортда қолиш (n=11)	0 (0%)	11 (19.6%)
ТХТ деформациялари (n=29)	8 (7.14%)	21 (37.5%)

Натижада ўз вақтида ишлаб чиқилган ва қўлланилган патогенетик даво чоралари кузатилиши мумкин бўлган асоратлар (ички аъзолар ва таянч ҳаракат тизими деформациялари) ривожланишини олдини олишга хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Болаларда нафас олиш тизимининг рецидивланувчи касалликлар кечишида D витамин миқдорининг аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бобда нафас олиш тизимининг қайталанувчи касалликлар кечишида D витаминининг аҳамияти таҳлил қилинади. Бу жараён D витамини фаол метаболитларининг яллиғланиш жараёнларини бартараф этишга бевосита иштироқи ҳақидаги фикрларини тасдиқлайди. Олинган натижаларнинг таҳлиliga кўра, ўпкаларнинг фаолият кўрсаткичлари танқислик қийматларида аниқланиб, беморларда D витамини танқислик қон зардобидаги D витамин миқдорининг даражаси билан статистик жиҳатдан сезиларли даражада корреляцион боғлиқлиги аниқланганлик бўйича маълумотлар келтирилган.

Олинган натижаларга биноан иккинчи гуруҳ, айнан пастки нафас йўллари патологияларида D витамин танқислиги назорат гуруҳи билан солиштирилганда биринчи гуруҳдаги D витамин Даражасига нисбатан статистик жиҳатдан кўпроқ ишонарли даражада намоён бўлиши аниқланди ($p < 0,001$).



4-расм. D витаминининг қон зардобидаги миқдорининг қиёсий таҳлили

Жадвалда кўриниб турганидек, назорат гуруҳида ҳам D витамин танқислиги 14 нафар (21,8%)да, етиשמовчилиги 8 нафар (12,5%), референт қиймати эса 42 нафар (65,6%) миқдор кўрсаткичлари аниқланди.

Юқори нафас йўллари рецидивланувчи касалликлари билан касалланган беморларда D витамин танқислиги 22 (19,6%)да, етиשמовчилиги 69 (61,6%), референт қиймати эса 21 (18,7%) миқдор кўрсаткичлари аниқланиб, юқори нафас йўллари касалликларида D витамин етиשמовчилиги устинлик қилди ($p < 0,001$). Юқори нафас йўллари қайталанувчи касалликлари бўлган беморларда назорат гуруҳига нисбатан D витамин етиשמовчилигининг статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлиши ($p < 0,001$) D витамин метаболизмининг бузилишига олиб келадиган асосий этиологик омил сифатида қарашга ундайди.

Ушбу гуруҳдаги беморларда D витамин етиשמовчилиги кўпроқ кузатилиши ($p < 0,001$), касаллик локализациясига, яллиғланиш жараёнининг сурункали тус олиши билан боғлиқ ҳисобланади.


Олинган натижаларга мувофиқ назорат учун олинган болаларнинг 60%ида D витаминнинг етарли миқдорда бўлишига қарамасдан улар орасида D витамин миқдорининг у ёки бу даражада камайиши 35%ни ташкил этди, айниқса танқислик ва етиשמовчик мос равишда 21,8% ва 12,5%ни ташкил этди. Тадқиқотнинг ушбу натижалари гиповитаминоз D ҳолати болалар орасида энг кўп учрайдиган тиббий-ижтимоий муаммолардан бири эканлигини тасдиқлайди.

Пастки нафас йўллари рецидивланувчи касалликлари билан касалланган беморларда D витамин танқислиги 36 (64,2%)да, етиשמовчилиги 11 (19,6%), референт қиймати эса 9 (16,2%) миқдор кўрсаткичлари аниқланиб, пастки нафас йўллари касалликларида D витамин танқислиги устинлик қилди ($p < 0,001$).

Рецидивланувчи респиратор касалликлари юқори нафас йўлларида бўлиши ёш катталашиб бориши билан D витамин миқдорининг нотекис ўзгариши хос бўлса, пастки нафас йўлларидаги патологик ҳолатларда аксинча D витамин миқдорининг кескин пасайиши кузатилди. Таъкидлаш лозимки, ўсмирларда D витамини кўрсаткичлари меъерий қийматлар чегараси

даражасигача ортиб бориш анъанасини ушбу ёшдаги болаларнинг ижтимоий имкониятлари ортиб бориши билан тушунтириш мумкин.

Ўрганилаётган гуруҳларда D витамин миқдорининг жинсга доир тафовутлари (5-расм) да келтирилган.



5-расм. Ўрганилаётган гуруҳларда D витамин миқдорининг ёш даврларига боғлиқ солиштирма тавсифи

Кичик мактаб ёши даврдан бошлаб биринчи ва иккинчи кузатув гуруҳлари беморлари орасида D витамини даражасидаги статистик жиҳатдан ишонarli фарқлар юқори нафас йўллари касалликлари бўлган беморларда D витамини етишмовчилиги, иккинчи гуруҳ болаларида эса танқислик қийматларига тўғри келади ($p < 0,01$). Рецидивланувчи респиратор касалликлари юқори нафас йўлларида бўлиши ёш катталашиб бориши билан D витамин миқдорининг нотекис ўзгариши хос бўлса, пастки нафас йўлларидаги патологик ҳолатларда аксинча D витамин миқдорининг кескин пасайиши кузатилди.

РРК бўлган болаларда бронхопулмонар касалланишлар сонини қиёсий таҳлил қилишда, D витамини етишмовчилиги билан касалланишнинг йилига 3-4 марта ($p < 0,001$) қайд этилганлиги, референт кўрсаткичларда эса касалланишлар сони йилига 2 мартадан ошмаганлиги аниқланди ($p = 0,016$).

D витамини танқислиги ҳолатида болаларнинг 39,9 %да касалланишлар сони йилига 4 мартадан ошганига қарамай, тафовут статистик аҳамиятсиз бўлди ($p = 0,071$). Статистик таҳлил натижаларига кўра, D витамини етишмовчилиги оғир қайталаниш хавфи билан боғлиқлигини ифодалайди ($p = 0,047$). Ушбу иш натижалари кўплаб тадқиқотчиларнинг D витамини фаол метаболитларининг яллиғланиш жараёнларини бартараф этишга бевосита иштироки ҳақидаги фикрларини тасдиқлайди. Олинган натижаларнинг таҳлиliga кўра, ўпкаларнинг фаолият кўрсаткичлари танқислик қийматларида аниқланиб, беморларда D витамини танқислик қон зардобидаги D витамини миқдорининг даражаси билан статистик жиҳатдан сезилarli даражада корреляцион боғлиқлиги аниқланди. Ташқи нафас олиш фаолиятининг

меъерий қийматлардан 60%гача паст кўрсаткичлари, D витамини қийматларига мос келади (мос равишда $p < 0,001$, $p = 0,007$).

